ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 29 ноябрь № 47 (224) • Сотувда нархи эркин

ТАРМОҚ БИТИМЛАРИ НАЗОРАТДА

Бизнинг асосий вазифаларимиздан бири битим орқали алоқачиларни ижтимоий ҳимоя қилишдир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида белгиланган талабларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида жамоа шартномалари ва битимларда кўрсатилиши шарт бўлган Кодекс моддаларини 1996-1997 йиллар учун қабул қилинган тармоқ битимларига киритдик.

Алоқа вазирлиги, «Ўзбектелеком», «Ўзбекистон почтаси» концернлари, «Алоқаинвест» ҳиссадорлик жамияти, «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ассоциацияси билан алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ўртасида тузилган тармоқ битимларида ходимларга ойлик маошларни ўз вақтида бериш, ўртача ойлик миқдорини битимда белгиланган даражага етказиш, тунги, кечки сменаларда, байрам кунлари, ишдан ташқари вақтда ишлагани учун қўшимча тўловлар тўлаш, меҳнат таътилига қўшимча кунлар, ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароитлари ва малакаси учун устама тўловлар ҳамда оилавий шароитларга кўра моддий ёрдам пуллари бериш, алоқа хизматидан имтиёзли фойдаланиш ва бошқа қатор мажбуриятлар, тадбирлар, имтиёзлар белгиланган.

Биз ушбу имтиёзлардан касаба уюшма аъзоларимизнинг бахраманд бўлишини, битимлардаги бошқа мажбурият ва тадбирлар алоқа корхоналари маъмурияти томонидан қай тарика бажарилишини назорат қилиб боряпмиз.

Ўтказилган текширишларда Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент, Жиззах вилоятларидаги алоқа корхоналарида битимлар тўла бажарилмаётганлиги, айрим имтиёзлар тармоқ битимларида кўзда тутилганидан жуда оз миқдорда жорий қилинаётгани каби ҳолатлар аниқланди. Бу камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона раҳбарларига тегишли кўрсатма ва тавсиялар бердик.

Тармоқ битимлари бажарилишини таъминлаш юзасидан чоралар кўряпмиз. Бу масала шу йилнинг декабрь ойида Марказий Қўмитанинг навбатдаги пленумида атрофлича кўриб чиқилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

Айни пайтда тармоқ битимлари, жамоа шартномалари жойларда қандай бажариляпти? Бу борада қандай муаммолар мавжуд? Алоқачиларнинг ижтимоий манфаатларини янада яхшилаш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозим, соҳа ходимларининг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш каби масалалар юзасидан республика алоқа корхоналарининг ишчи-хизматчилари, ходимлари, касаба уюшма фаоллари ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ҳамда истакларини бизга ёзиб юборишса нур устига аъло нур бўларди. Биз бу таклифларни Марказий Қўмитанинг навбатдаги пленумида кўриб чиқиб, келгуси режа ва дастурларимизга жорий қилар эдик. Соҳа ходимлари билдирган ҳар бир таклиф ва истаклар ўз навбатида битимларнинг бажарилишини таъминлашга, сифатини оширишга катта ёрдам беради.

Тоҳир НАЗАРЖОНОВ,
Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси

МУЗЕЙ ОЧИЛДИ

Яқинда Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасида Тошкент шаҳар телефон тармоқлари тарихи музейининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари К. Раҳимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири А. Жўрабоев, Алоқа вазирининг ўринбосари Ш. Обидхўжаев ҳамда алоқа корхоналари ва ташкилотлари, ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари қатнашдилар.



Маросимни корхона раҳбари Ш. Одилов очиб, йиғилганларни янги музейнинг очилиши билан табриклади. Шундан сўнг сўзга чиққан Алоқа вазири А. Жўрабоев соҳа олдидаги вазифаларнинг асосий йўналишлари, алоқа хизмати сифатини яхшилаш борасида эришилган ютуқлар, муҳим ўзгаришлар ҳамда соҳа истиқболлари тўғрисида гапирди.

Сўнгра маросим қатнашчилари музейдаги алоқа тарихига оид нарса-буюмлар, дастлабки телефон аппаратлари, кўҳна алоқа станциялари макетлари, турли ҳужжатлар, алоқа соҳасининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган фахрий алоқачиларнинг фотосуратлари билан яқиндан танишдилар.

Тошкент шаҳрида дастлабки телефон станцияси қурилганига 90 йил тўлиши муносабати билан очилган Тошкент шаҳар телефон тармоқлари тарихи музейи йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Солиҳ ЗОИР,
Суратни муаллиф олган

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• *Янгиликлар* • *Воқеалар* • *Хабарлар*

• Матбуотда «Иш ҳақининг энг оз миқдорини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 ноябрь куни мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Греция ташқи ишлар вазири Теодорос Пангалосни қабул қилди.

• Тошкентда 26 ноябрдан 4 декабргача Франция, Германия ва Ўзбекистон ёш мусиқачиларининг учрашуви ўтказилади.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Маркс Жуманиёзов Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинланди.

• Москва яқинидаги «Барвиха» санаторийсида Россия ва Қозоғистон Президентлари Борис Ельцин ва Нурсултон Назарбоев ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама этдилар.

• Россия Хавфсизлик Кенгашининг собиқ котиби, генерал Александр Лебедь АҚШга хусусий ташрифи давомида амалий доираларга таянадиган ўз партиясини тузиш ниятида эканлигини айтди.

• Испанияда «Тошкент трактор заводи» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси И. Каримовга «Бизнес, ташаббус» умумжаҳон кўмитасининг юксак сифат учун олий мукофоти топширилди.

• Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистон бўйича маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Унда 19 давлат, шу жумладан Ўзбекистон вакили ҳам иштирок этди.

• 18 ёшли грек гўзали Эренс Клива илк бор Ҳиндистонда ўтказилган «Жаҳон маликаси - 96» танловининг ғолиби бўлди.

• Уч террорчи томонидан олиб қочилган Эфиопия авиакомпаниясига қарашли самолёт Камор ороллари яқинида ҳалокатга учради. Террорчилар билан музокаралар чўзилиб кетганлиги оқибатида самолётнинг ёнилғиси тугаб, у денгизга қулаб тушди. Самолётдаги 175 нафар йўловчидан ҳозиргача 52 киши тирик топилди.

• Шу сонга шошилинчнома

КОРХОНА ҲИСОБИДАН ОБУНА ҚИЛИНДИ

«Бухоро давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси ишчи-хизматчилари корхона ҳисобидан келгуси йил учун «Хабар» газетасига 171 нусхада обуна қилинди.

Бухоро давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи И. ЧАКИДЗЕ»

* * *

«Риштон тумани почта алоқа боғламаси жамоаси 1996 йилнинг 26 ноябрь кунига қадар 1997 йил учун 11 минг 601 нусхада республика газета-журналларига обуна қабул қилдилар.

Боғлама ходимлари обуна тугагунча газета-журналларга обунани 150 фоизга етказишга астойдил бел боғлашган. Шунингдек, почта алоқа боғламаси ходимлари «Хабар» газетасига 100 фоиз, яъни 70 нусхада обуна бўлдилар.

Фарғона вилояти почта алоқа корхонаси бошлиғининг ўринбосари Яҳёжон МАДМАРОВ»

• Обуна—97

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз муштарийлар, «ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ:

ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН:

1 ойга 28 сўм, 6 ойга 168 сўм,
12 ойга 336 сўм.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР УЧУН:

1 ойга 39 сўм, 6 ойга 234 сўм,
12 ойга 468 сўм.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 64600

ЭСЛАТМА: Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг почта алоқа корхоналари обуна нашрларини етказиб бериш хизмат ҳақларини ўзлари мустақил белгилашади.

«АЛСКОМ» ИШ БОШЛАДИ

Республикамиз алоқа соҳасида янги очиқ турдаги Ҳиссадорлик Жамияти — «АЛСКОМ» суғурта компанияси иш бошлади. Тармоқдаги кўплаб ташкилотлар мазкур компаниянинг таъсисчиларидан ҳисобланади. Яқинда мухбиримиз «АЛСКОМ» суғурта компаниясининг бош директори Фахриддин ХУДОЙҚУЛОВ билан учрашиб, янги корхонанинг мақсад-вазифалари хусусида суҳбатлашди.

— Фахриддин ака, янги корхона нима учун «АЛСКОМ» деб номланди? Аввало, шу ҳақда гапириб берсангиз.

— Саволингиз ўринли бўлди, бу нарса муштарийларни ҳам қизиқтиради деб ўйлайман. «АЛСКОМ» — Алоқа суғурта компаниясининг қисқартирилган шаклидир. Айтишга ва ёзишга қулай бўлганлиги учун ҳам бу номни танладик. Жаҳон тажрибасида яна шу нарса борки, фирма номларини танлашда кўпчилик алфавитнинг бош ҳарфларини маъқул кўради. Чунки кўпинча фирма номларини қайд этишда фирманинг иқтисодий, молиявий аҳволидан қатъий назар, алфавит тартибига риоя қилиш мезон қилиб олинган. Шунинг учун ҳам фирма эгалари доимо ўз корхоналари биринчи галда тилга олинишини ва юқориги ўринларда туришини исташади. Бундай ҳолат тарғибот-ташвиқот, яъни рекламанинг бир тури ҳисобланади...

— «АЛСКОМ» суғурта компанияси асосан нима иш билан шуғулланади?

— Суғурта компаниялари суғуртанинг уч турини бўйича—мулкий, шахсий ва жавобгарлик суғуртаси каби йўналишларида иш олиб боришади. «Алском» суғурта компанияси тижорат савдо ташкилоти бўлмаганлиги туфайли катта фойда олишни кўзда тутмайди ва аниқ статистик ҳисоб-китобларга асосланиб, эҳтимоллик назариясига суянган ҳолда алоқа тизими ташкилотларини суғурта ҳимояси билан таъминлайди. Ҳозирча мулкий ва шахсий суғурта бўйича иш юритяпмиз. Келгусида жавобгарлик суғуртаси билан ҳам шуғулланиш ниятимиз бор. Ташкилот ва корхоналар компаниямиз билан суғурта шартномасини имзолар эканлар, аввало, корхонанинг барча иш қуроллари, мол-мулкини ҳамда ўз ишчи-хизматчиларининг шахсий ҳаётини турли хил бахтсиз ҳодисалардан ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган ҳар хил шикастланишлардан суғурта қилган бўладилар.

—Алоқачилар ўзларини якка тартибда ҳам суғурта қилишлари мумкинми?

— Ҳа, мумкин. Компаниямиз нафақат алоқа соҳаси ходимлари билан, балки бошқа тармоқ йўналишларида фаолият кўрсатаётган ишчи-хизматчилар ҳамда ташкилот ва корхоналар билан ҳам суғурта шартномасини имзолаб, иш олиб боришни мўлжаллаган.

— Ҳозир қандай амалий иш билан машғулсизлар?

— Бугунги кунда компаниянинг бевосита суғурта ишлари билан шуғулланадиган мутахассислари қатор алоқа корхона ва ташкилотларида бўлишиб, шу корхоналарнинг иш услубини ҳамда бу ерда суғуртанинг қандай турини қўллаш мумкинлигини ўрганишмоқда. Юқорида айтганимдек, биз ҳозирча суғуртанинг мулкий ва шахсий турини бўйича иш олиб борамиз. Бу борадаги меъёрий ҳужжатлар тўлиқ ишлаб чиқилди. Суғуртанинг жавобгарлик тури республикамиз суғурта соҳаси учун ҳали янгилик ҳисобланади. Жаҳондаги кўплаб суғурта компаниялари жавобгарлик суғуртаси бўйича эҳтиётқорлик билан иш юритишади. Чунки суғуртанинг бу тури жуда катта масъулият талаб қилади. Вақти соати етиб, иш тажрибамиз бойиганда компаниямиз фаолиятида жавобгарлик суғуртасини жорий қиламиз. Бунга республикамизда ўзига яраша эҳтиёж ва талаб бор.

— Компаниянинг ўз акциялари ҳам бўладими?

— Ҳа, албатта. Очиқ турдаги Ҳиссадорлик Жамияти ҳисобида ўз акция қоғозларимизни ишлаб чиқамиз ва сотамиз. Шунингдек, республика фонд бозорида бошқа корхона ва ташкилотларнинг юқори даромад берувчи акцияларини сотиб беришимиз ҳам мумкин. Йиғилган маблағлар суғурта ва заҳира жамғармасини ташкил қилиш, компаниямизнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш каби мақсадларда фойдаланилади.

— Компаниянинг савдо-сотиқ билан шуғулланиш режалари ҳам борми?

— Суғурта компанияси бевосита савдо-сотиқ билан шуғулланиши мумкин эмас. Чунки бу тегишли қонунда таъқиқланган.

— Нима учун корхонанинг таъсисчилари кўпчиликни ташкил этади?

— Кузатган бўлсангиз, таъсисчилар орасида Алоқа вазирлиги, «Ўзбектелеком» ва «Ўзбекистон почтаси» концернлари, «Тошкент почтаси» ҳамда «Алоқабанк» каби нуфузли ташкилотлар бор. Бу компаниямиз билан суғурта тузишни истаган мижозларга кафолат бўла олади. Чунки суғурта қилишни истаган мижоз, аввало, суғурта компаниясининг таъсисчиларига эътиборини қаратади, зарурат туғилганда суғурта бадалларини ундириб олишга ишончи комил бўлгандагина суғурта шартномасини тузади. Шунинг учун ҳам нуфузли ва ишончли таъсисчиларнинг етарли миқдорда бўлгани маъқул.

— «АЛСКОМ» суғурта компаниясининг ишига омад тилаймиз.

— Раҳмат.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди

СУЛОЛА КАРВОНБОШИСИ

Аҳмад ака Муҳамедовнинг алоқа соҳасида ишлаётганига 40 йилдан ошибди. Аҳмад аканинг алоқачилик касбига қизиқиши Шофиркон туманидаги мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ бошланган эди. Бу иштиёқ уни 1956 йили Тошкентдаги 4-алоқа техника билим юртига етаклаб келди. Билим юртини тугатгандан сўнг Шофиркон туман алоқа тармоғида аввал мантўр, сўнгра радиотехник вазифаларида хизмат қилди. 1959-1964 йиллари Тошкент электротехника Алоқа институтида таҳсил олди, олий маълумотли бўлди. Институтни тугатгандан кейин Вобкент алоқа техника ишлаб чиқариш тармоғида муҳандис ва катта муҳандис вазифаларида фаолият кўрсатди. 1973 йилдан то ҳозиргача Бухоро давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида капитал қурилиш бўйича бошлиқ ўринбосари ва ёрдамчиси вазифасида ишлаб келмоқда.



Бир қараганда оддий таржимаи ҳол. Бироқ ўтган йиллар мобайнида А. Муҳамедов нене машаққатларни енгиб, малакали мутахассис сифатида жонбозлик кўрсатди. Айниқса унинг алоқа соҳасидаги бунёдкорлик ишлари таҳсинга сазовор. А. Муҳамедов узоқ йиллик меҳнат фаолиятида қишлоқ ва шаҳар АТСлари сонининг бир неча баравар кўпайишига ўз ҳиссасини қўшди. Когон, Олот, Қоракўл, Шофиркон, Янгибозор, Ғиждувон, Пешку, Вобкент туманларида алоқа уйлари қурилди. Бухоро шаҳрида радиотелеузатиш станцияси ва шаҳарлараро автомат телефон станциясининг бинолари қад ростлади. Шунингдек, шаҳардаги мавжуд 4 минг рақамли телефон станцияси 50 минг рақамгача кўпайтирилди. Туман марказлари ва жамоа хўжаликларида 64 минг рақамли алоқа телефон станциялари ишга туширилди. Вилоятдаги барча туманларни бир-бирига боғловчи Бухоро-Муборак, Бухоро-Навоий ва Бухоро-Олот кабел магистраллари қурилиб, ишга туширилди.

Аҳмад ака Муҳамедов кўп йиллик хизматлари учун Алоқа вазирлигининг «Фахрий Ёрлиғи» билан мукофотланган, «Моҳир алоқачи» унвонига сазовор бўлган. Шу билан бирга «Меҳнат фахрийси» нишони соҳиби ҳамдир. Халқимизда меҳнат қилган элда азиз дейишади. Бу сўз меҳнати халққа кўп сингган кишиларга нисбатан айтилади. А. Муҳамедов ўзи туғилган юртда ана шундай ҳурматга сазовор инсон. Унинг кўплаб шогирдлари алоқа соҳасини юксалтиришда ўз ҳиссаларини қўшишяпти.

Аҳмад аканинг оиласини алоқачилар сулоласи дейишади. Чунки у кишининг ўғилларини ота изидан бориб, алоқачилик касбини эгаллашган. Акбар Шофиркон туман электралоқа боғламасида муҳандис, Аброржон Тошкент электротехника Алоқа институти талабаси, Артур эса Тошкент Алоқа коллежини тугатган.

Аҳмад ака Муҳамедов алоқачилик касбини танлаб кам бўлгани йўқ. Эл орасида обрў-эътибор қозонди.

Бир соҳада узоқ муддат ишлашнинг ўзи бўлмайди. Машаққатларга, ҳаётнинг исиқ-совуғига чидаган кишигина кўзлаган мақсадига эришади. Аҳмад ака ҳаётнинг нурли манзили сари дадил қадам ташлаётган оилавий алоқачилар сулоласининг карвонбошисидир.

Иззат АҲМЕДОВ



Гулистон электралоқа корхонаси тузатиш бюросининг электромантўри Ирина Григорьевна ЛИСОВА иш устида.

Суратказш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ

Фарғона вилоят почта алоқаси корхонаси кейинги пайтларда хизмат турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Яқинда Бағдод туман почта алоқа корхонаси, Қўқон шаҳар ва Фарғона шаҳар почтамтларига савдо билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган эди.

Ҳозирги кунда Бағдод туман почта алоқа корхонасида савдо яхши йўлга қўйилган. Тумандаги мавжуд 20 та алоқа бўлимларида халқ истеъмол моллари ва атир-упа, ўқув қуроллари каби маҳсулотлар билан савдо қилинмоқда. Алоқа бўлими бошлиқлари айни чоғда сотувчиликни ҳам уддалашмоқда. Янги хизматнинг афзаллиги шундаки, телефон орқали буюртма қабул қилиниб, буюртмачига алоқа бўлими почтачиси зудлик билан товарларни етказиб беради. Айни пайтда савдо ишини ривожлантириш учун ҳамма имкониятлар ишга солинмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, бир ойда почта савдосидан 60-70 минг сўмлик фойда олиш мўлжалланган.

Расулжон ҚАМБАРОВ, жамоатчи мухбиримиз, Фарғона вилояти

• Алоқа матбуот кўзгусида

УДДАБУРОН «ИШБИЛАРМОН»ЛАР НАЙРАНГИ

Яқинда Исроилда тузилган маҳаллий фирмалардан бири Франциядаги юзлаб меҳмонхоналарга (отелларга) жой банд қилиб қўйиши ва бу ҳақда телефон орқали фирмани хабардор қилиш тўғрисида факслар жўнатди. Табиийки, француз отеллари хизматчилари мазкур буюртмани бажаришди ва бу тўғрисида кўрсатилган телефон рақамига қўнғироқ қилишди. Аммо Исроилдан Франция меҳмонхоналарига ҳеч ким келмади, аксинча, меҳмонхонага телефон сўзлашувлари учун жуда катта миқдордаги маблағлар талаб қилинган ҳисоб-китоб қоғозлари кела бошлади...

Гап шундаки, Исроилда яшаётган ҳар қандай одам фирма очиб, ўз ишини йўлга қўйиши, фирма учун алоҳида хизмат телефони ўрнатиши мумкин. Аммо бу фирмага қўнғироқ қилган киши телефон станцияси ва мижоз хизмати учун ҳақ тўлаши зарур. Исроилдаги телефон орқали пуллик маълумотлар бераётган айниқса, «телефон орқали интим» билан шуғулланаётган кўплаб турли хизмат идоралари ана шундай йўл тутишар эди. Бу хизматга муҳтож мижозлар ҳар қандай юқори баҳода бўлса ҳам зарур маълумотни олишса бўлди, бошқа нарсалар билан ишлари йўқ эди. Бироқ француз меҳмонхонаси хизматчилари Исроилдаги «буюртмачи»ни телефон орқали хабардор қилишга чоғланганда, уддабурон «ҳамкорлар» махсус ҳисоблагични ишга туширганини, ўзларининг бу беминнат хизматлари учун оддий халқаро сўзлашувларга қараганда бир қанча баробар юқори хизмат ҳақи тўлашларини хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Аммо шундай бўлиб чиқди. Тўғри, телефон орқали бу хилда пул топишга ўрганиб қолган «ишбилармон»лар ҳисобига тушган пулнинг тегишли миқдорини, телефон компаниясига тўлайдилар, қолгани ўзлариники бўлиб қолади.

Исроил изқуварлари яқинда «ишбилармон»ларнинг бундай даромадларига барҳам беришга эришдилар. Лекин фирманинг «ишбилармон»лари ўзларига тегишли телефон рақамини телефон компаниясига топшириб, яширинишга ўтиришди. Донишмандлар айтганидек, кўза кунда эмас, куни келганида синар экан...

● Мерос
Жалолиддин РУМИЙ

«МАЪНАВИЯТ ДОСТОНИ»ДАН

Бўри билан тулкининг арслон ёнида ов қилганлари

Бир куни арслон ов қилишга ўзи билан бўри ва тулкини ҳам бошлаб борди. Катта ўлжа қўлга тушса, судраб келишга ёрдамлашсинлар деди. Аслида арслонлик ғурури бўри билан тулки ҳамроҳлигида юришни ман этса ҳам шундай бўлди. Аммо осмонда ҳам ёруғ юлдуз атрофида митти юлдузчалар айланиб турган вақтда чиройли манзара ҳосил бўлади.

Учаласининг ови бароридан келди. Улар кўп ўтмай кўтос, эчки ва қуённи тутиб олишди. Арслон билан бирга юрган хор бўлмайди, ундан қолганларини есак ҳам роса мазза қиламиз, деб ўйлашди бўри билан тулки. Чунки янги чавақланган ўлжаларнинг қонидан бўғ кўтарилиб, буларнинг иштаҳасини қитиқлаётган эди да.

Кўп ўлжа қўлга кирганидан оғизлари қулоғига етган бўри билан тулки уни энди ҳар биримизга яраша адолатли бўлиб оламиз, деб ўйладилар. Буларнинг кўзлари очофатликдан ялтираётганини сезган арслон ичида «Хомтаъма бўляпсанлар, сен таъмагирларнинг адабингни бериб қўйиш керак», деб ўйлади. Ахир одамларнинг ҳам, ҳайвонларнинг ҳам подшолари қўл остидагиларнинг очкўзлиги ва ноинсофлигини кечирмайдилар-да.

Арслон бир бўкириб, бўри билан тулкини қўрқитиб қўйгач, деди:

— Сен, эй бўри, ичингда мени адолатсиз деб ўйлаяпсан. Қани менинг буюклигимга шерик бўлиб, ўлжани бўлиб кўрчи!

Бўри қўрқувдан титраб-қақшаб, ўлжаларни бундай бўлди: «Сен, подшомиз, ҳаммамиздан кўп меҳнат қилдинг, шунинг-чун, сергўшт қўтосенга бўлсин. Менга эчки ҳам бўлаверади. Тулки ана қуённи ола қолсин!»

Аслида бу адолатли бўлиш эди. Аммо арслонга бу ҳурматсизликдай бўлиб кўринди. «Эй, малъун, — деди у бўрига, — сен ақлинг қисқа, ҳовлини пойлайдиган итдан ҳам баттар экансан, менга аҳмоқона маслаҳат бердинг!» деб, бир чангал уриб, бўрини ўлдирди.

— Энди сенинг навбатинг, — деди у қўрқиб, ўтакаси ёрилаёзган тулкига. — Қани ақлинг бўлса, ўлжани бўл!

— Хўп бўлади, шоҳим, — деди тулки одоб билан. — Жаноби олийлари, қўтос сизга нонушталик бўлсин, тушликда эчкини енг, кечқурунликка қуённи ейсиз, уйқу олдидан енгил таом бўлгани яхши!

Бу гапларни эшитиб, арслоннинг ғазаби меҳр-мурувватга айланди ва тулкидан сўради:

— Бундай доноликни қаердан ўргандинг!

Тулки кулимсираб жавоб берди:

— Ҳаёт — устоз, дейдилар. Бўрининг аҳволи менинг ақлимни киритди.

Тулкининг жавобидан арслон хурсанд бўлиб:

— Айёр тулки экансан! — деди.

«Худога шукрки, арслон овни бўлишни аввал бўрига топширди. Йўқса, унинг ўрнига мен тамом бўлардим» деб ўйлади тулки...

Ана шунақа. Қадим замонларда ҳам айёр тулкиларнинг иши юришган экан. Шу каби, одамзод ҳам бировларнинг бахтидан ёки бахтсизлигидан ибрат олади.

Насрий баён муаллифи
Маҳкам МАҲМУД

АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ

Ғаним томонидан бўлган навкар бизга қарши қилич кўтарган бўлса, ўз юртининг туз ҳаққини ҳалоллаган бўлади.

* * *

Ҳар бир навкар ғаним наздида ҳурмат-эътиборга эга бўлиб қадрланса-ю, бироқ жангу жадал вақтида ўз бегига хиёнат қилиб, унинг душманига дўстлик қилса, туз ҳаққини, бек ҳурматини унутса, ўз бегининг душманига ён босиб, уни ўз бегидан устун кўйса, бундай кимсани хизматга йўлатмасинлар.

* * *

Агар навкарлардан бири қилич чопишиб, ғанимни синдирар экан, ғаразгўй одамларнинг унинг ҳақида айтган гапларига қулоқ солмасинлар. Унинг қилган хизматларини яширмаслик лозим, аксинча, бир хизматини ўнга йўйсинлар, мартабасини оширсинлар, токи бошқа навкарлар буни кўриб жонбозлик қилишга рағбатлансинлар.

* * *

Агар навкарни бирон мамлакатга ҳоким қилган бўлсалар-у, у бевафолигидан душман билан келишиб, мулкни унга таслим қилса, ўлим жазосига маҳкум қилсинлар. Мамлакатни ҳимоя қилиб, душманни йўлатмаган навкарни юқори мартабага кўтариб, ҳурматласинлар.

* * *

Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға-иноъомлар бериб, мурувватю эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, хижолат терига ғарқ бўлдилар. Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ тилаб келганларида, уларни ўзимнинг бахту давлатимга шерик билиб, ҳеч қачон улардан мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямадим.

КУНЛАРДАН БИР КУНИ...

Буюк немис шоири Гёте саксон ёшида ҳам очиқ ҳавода сайр қилишни канда қилмаган экан. Кунларнинг бирида у котиби Эккерман билан Веймар хиёбонларидан бирида айланиб юрарди. Кутилмаганда уларнинг олдидан бир соҳибжамол қиз ўтиб қолади. Шунда Гёте котибига қараб бундай дейди:

— Эҳ, азизим Эккерман, қани энди шу топда етмиш яшар бўлиб қолсам...

* * *

Машҳур зоолог Брем талабаларга лекция ўқирди. Бир куни лекция тугаши билан талабалардан бири ундан сўради:

— Жаноб профессор, айтинг-чи, дунёда шердан қўрқмайдиган ҳайвон ҳам борми?

— Албатта бор, — жавоб қилди Брем. — У ҳайвон — она шердир.

* * *

Марк Твен бир зодагон аёлни столга таклиф қилиб, деди:

— Бугун бирам гўзалласибсизки...

Аёл кулди:

— Сизни нима деб мақташимни билмай қолдим...

Твен қаҳ-қаҳ отиб, жавоб қилди:

— Сиз ҳам менга ўхшаб ёлғон гапира қолинг, хоним.

* * *

Америкалик бир раққоса Бернард Шоунинг ўткир ақлига ўзининг келишган қоматини тенг билиб, Шоуга турмушга чиқиш истагини билдирибди.

«— Жаноб Шоу, — деб бошлаганди раққоса ёзувчига мактубини, — бир тасаввур қилинг-а, туғилажак фарзандимизда Сизнинг ақлингизу, менинг қоматим мужассам бўлса...»

Шоу раққосага шундай жавоб қайтарибди:

«—Худо кўрсатмасин, айтганингиз тескариси бўлиб қолсачи. Ҳай, ҳай, ўтинаман Сиздан, мени тинч қўйинг...»

* * *

Ёш ёзувчи ўз қўлёзмасини Марк Твенга юбориб, ундан маслаҳат сўради.

Марк Твен унга шундай жавоб ёзади:

— Ҳурматли жаноб! Ҳакимларнинг айтишича, ёзувчилар кўпроқ балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиши керак. Балиқ гўштида фосфор кўп бўлиб, бу миянинг яхши ишлашига ёрдам берар экан. Асарингизни ўқиб кўриб, камида иккита кит ейишингиз керак экан, деган хулосага келдим.



Хайр дея тўп-тўп қушларга,
Ғарқ бўлар кўл ширин тушларга.

МЕН ЎЗИМ

Вафодор ёр изласанг олам аро мен ўзим,
Висолингга етмасам бахти қаро мен ўзим.

Агар бўлсам ҳуснингдан бенасиб — сендан йироқ,
Кўча кўйда бўзлаган сарсон гадо мен ўзим.

Ўхшаши йўқ гулимсан жаҳонда сен ягона
Ишқингда булбул бўлиб қилай наво мен ўзим.

Топмагайсан менингдек вафодор бир қулни ҳеч
Буюрсанг қуллик дея жони фидо мен ўзим.

Ўтсам Мухлис армонда тупроққа бошим қўйиб
Келса агар ғойибдан мунгли нидо — мен ўзим.

БИЛСАЙДИНГ

Сенинг ҳажрингда ҳар он муштоқлигим билсайдинг,
Хаёллар денгизига ўртоқлигим билсайдинг.

Малҳам айлайин ҳатто босган изларинг гардин
Тўтиё қилиб кўзга суртмоқлигим билсайдинг.

Энтикиб қолар бу жон учратганда ногаҳон
Гўзал бўлиб бу олам, қувноқлигим билсайдинг.

Қиш сўнгида интизор зиё кутган чечакдай,
Қуёшимсан, нурингга илҳақлигим билсайдинг.

Келармидинг қошига ҳолин сўраб Мухлисни
Сенсиз жаҳонда ёпиз ўтмоқлигим билсайдинг.

МУХЛИС

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ, Шуҳрат ЖАББОР, Анатолий КУДИНОВ, Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб), Мирпўлат МИРЗО, Рустам ҚОСИМОВ, Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ, Бобохон ШАРИФ, Бўривой АҲМЕДОВ, ОТАУЛИ, Саидмаҳмуд АКБАРОВ, Шоҳруҳ АКБАРОВ, Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ, Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ, Тоғай МУРОД, Нурали ҚОБУЛ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0672. 7634 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 123456

ДУШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ахборот».

8.30 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Сахна қолдузининг мунаввар ёғдуси». Фильм-концерт.
9.00 «Бозор иқтисодиёти асослари». Публицистик кўрсатув.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бир ўлка-ки...».
10.30 «Оқ кема». Бадиий фильм.
12.05 «Жаннат оналар оёғини остидадур...».
12.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
13.00 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Ўзбекистон терма жамоаси I — Ўзбекистон терма жамоаси II.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.30 Дилнавоз садолар.
18.45 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Дилнавоз садолар.
21.40 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
22.00 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар клуби.
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Истеъдод».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 Талқин.
18.45 «Мультфейерверк».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.00 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Камертон». Шеърият.
21.10 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
21.40 «Курьер».
22.00 «Прайм-тайм».
22.10 «Спорт қитъаси».
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.20 — 00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 Эълонлар.
18.05 «Доира оҳанглари». Фильм-концерт.
18.25 «Шанба, якшанба, душанба». Бадиий фильм. 1-серия.

Россия жамоат телевидениеси
19.10—21.40

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Корачинғил». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси
23.00—23.30

23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Тўртинч телевидениеси.

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Умид».
19.35 Кечки сеанс. «Қўш хотин». Бадиий фильм (Хиндистон).
21.05 «Спорт-тайм».
21.30 Эълонлар.
21.40 «М»-хабар.
21.50 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
22.10 «Автосафар».
22.10 «Кимга қанақа?».
22.40 Эълонлар.
22.45 «Шлягер».
23.00 Эълонлар.
23.05—23.10 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Болалар учун. «Кувноқлар даврасида».
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Халқаро ноғиронлар кунига. «Меҳр чечаклари».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Информатика ва хисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.

12.00 Дикқат, премьера: «Меҳригиё». «Ўзбектелефильм» махсулоти.
12.30 «Фазилат». Публицистик кўрсатув.
13.00 «Қизиқарли учрашувлар». Меъмор Абдукаххор Турдиев.
13.30 Ўзбек қўшиқларидан концерт.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. 1. «Табиатшунослар клуби». 2. «Лазиз».
18.35 «Ботма, қуёш!». Публицистик кўрсатув.
18.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Сохибкирон юртида». Ҳужжатли фильм.
19.05 Дилнавоз садолар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Матонат».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Оҳанглардан тараланган меҳр».
21.40 «Замон».
21.50 «Юртим жамоли».
22.00 «Ўртамчак тўри». Телесериал.
22.40 «Оқ иул ўрнида». XII Осиё ўйинлари. Футбол турнирининг финали. 1-тайм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Оқ иул ўрнида». XII Осиё ўйинлари. Футбол турнирининг финали. 2-тайм.
00.40 Тунги тароналар.
00.55—01.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.00 Эълонлар.
19.20 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дуне бўлибд...».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун курсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.30 «Спорт китъаси».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 — 00.20 «Хинонигох».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.05 «Менинг филим бўл». Мультфильм.
18.20 «Шанба, якшанба, душанба». Бадиий фильм. 2-серия.

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».

19.10—21.40

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Жонли саҳна».

Россия давлат телевидениеси
22.55—23.25

23.25 Эълонлар.
23.30—23.35 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Тўртинч телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
19.10 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Сирдошим».
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 Эълонлар.
20.45 «Очиқ дарс».
21.15 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
21.45 «Соликлар ҳақида сабоқлар».
22.00 «ТВ IVда «Немис тулкини».
22.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.00 Эълонлар.
23.05 «Жилдет-спорт».
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 «Муҳаббат ихтиёр эт». Ака-ука Амирқуловлар.
8.50 «Сизга таъзим». Публицистик кўрсатув.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кутлов». Болалар учун қизиқарли дастур.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Табиёт.
11.00 Инги алифбони ўрганамиз.
11.30 Кимё.

12.00 «Халқ ардогида». Кинодастур.
12.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.45 УзТВ хазинасидан. Туроб Тула. «Нодирабегим». Мукимий номидаги Ўзбек мусиқа театрининг спектакли. 1-қисм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кочок велосипед». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан битталигидир...».
18.25 «Назар». Исроил қишлоқ хўжалиги.
18.40 «Табаррук қадамжолар». Нуротадаги Шоҳимардон ота мажмуаси.
19.00 «15 дақиқа спорт ҳақида».
19.15 «Автодолам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дилнавоз садолар». Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Футбол. Осиё кубоги-96. Бирлашган Араб Амирликлари — Жанубий Корея терма командалари.
23.35 «Морена Клара». Телесериал.
23.50 Эълонлар.
23.55 «Ахборот».
00.05 Футбол. Осиё кубоги-96. Индонезия — Кувайт терма командалари.
01.45 Тунги тароналар.
01.45—01.55 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.00 Эълонлар.
19.20 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дуне бўлибд...».
20.05 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.45 «Спорт китъаси».
23.05 «Дрибблинг».
23.55—00.25 «Доиче Велле» намойиш этади.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Хотирамиз шаршаралари». «Бегимизга марҳамат». Телефильмлар.
18.20 «Шанба, якшанба, душанба». Бадиий фильм. 3-серия.

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».

19.00—21.40

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Шоҳсупа сари иул».

Россия давлат телевидениеси
23.00—23.30

23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Тўртинч телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
19.30 «Кичкинтой мерос».
19.30 «Кафолат».
20.00 «Бу ажиб дунё».
20.20 Эълонлар.
20.25 «Ташриф».
20.55 «Тошкент оқшомида».
21.25 «Сиз учун куйлайман». Умар Маҳкамбоев.
21.40 Эълонлар.
21.50 «Бугунги Словакия».
22.10 «Узликни таниш». Аёл ва хамият.
22.40 «Хамдустлик».
23.20 Эълонлар.
23.25 «Гулдаста».
23.35—23.45 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Кизлар гулдастаси».
8.55 «Иктисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Меҳр нури». Телеочерк.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 «Алифбо сабоқлари».
11.30 География.

12.00 «Олимпиада ўринбосарлари таёрлаш мактаби — 35 ёшда».
12.30 Лирик концерт.
12.55 УзТВ хазинасидан. Туроб Тула. «Нодирабегим». Мукимий номидаги Ўзбек мусиқа театрининг спектакли. 2-қисм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Омонлик тилаймиз».
18.20 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.40 «Билиб қўйган яхши».
18.50 «Одамлар орасида».
19.05 «Катта таначффус».
19.30 Эълонлар.
19.40 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулокот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Саудия Арабистони — Таиланд терма командалари. 2-тайм.
22.10 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
22.25 «Тоғлар таронаси». Мусикий дастур.
22.45 «Одобнома».
23.05 «Кино ва адабиёт».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Осиё кубоги-96. Эрон — Ирок терма командалари.
01.25 Тунги тароналар.
01.35—01.45 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
9.50 «Курьер».
10.20 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун курсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.10 «Табиат дунёси».
11.30 «Компьютер-Осиё».
12.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.35—14.15 Видео «О».

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 «Инсоннинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 Оҳанглар.
20.20 Эълонлар.
20.25 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.30 «Бизнес-урок».
21.45 «Доиче Велле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.10 «Спорт китъаси».
22.40—00.20 «Хинонигох».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қоилмақом Гоша». Мультфильм.
18.15 «Шанба, якшанба, душанба». Бадиий фильм. 4-серия.

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».

19.10—21.40

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Мусика ҳамма учун».

Россия давлат телевидениеси
23.00—23.30

23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Тўртинч телевидениеси.

18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Океандан океангача». USA-круиз.
19.30 Эълонлар.
19.45 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 «Каталог».
20.50 «2» тулкинида.
21.05 «Интер-спорт».
21.30 «Экслот-коктейль».
21.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.15 «Компьютер-ревю».
22.40 «Зелада».
23.10 «Сунги оқ маймун». Телефильм (Япония).
23.40 Эълонлар.
23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Кекса санъаткорлар.
8.40 «Юзма-юз». Мулокот.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Санъат ғунчалари».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.

12.00 «Эрга тегмангиз, кизлар». Бадиий фильм.
13.05 «Маърифат» видеоканали.
14.00—14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.50 «Симфодош».
19.00 Бизнес ҳафта якунлари.
19.10 «Такдим».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Япония — Сурия терма командалари.
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Осиё кубоги-96. ХХР — Ўзбекистон терма командалари.
01.35 Тунги тароналар.
01.45—01.55 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Болаларинг тили...»
9.10 «Мульти-пульти».
9.30 Дилором наволар.
9.40 «Табиат шифохонаси».
10.05 «Тамаяно».
10.05 Мулоҳаза учун мавзу.
10.25 Дилором наволар.
10.30 Видео янгиликлари.
10.50 Видео «О».
12.30—14.00 «Спорт китъаси».

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
18.45 Эълонлар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусикий ўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ракурс».
21.30 Хит-парад ва Эълонлар.
22.00 «Сенга-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.50 «Спорт китъаси».
23.30—00.10 «Сиздан ишорат».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Серафима ороли». Бадиий фильм.

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».

19.15—21.40

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Ассалом, мусика». Мусикали кўрсатув.

Россия давлат телевидениеси
23.00—23.30

23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Тўртинч телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Утмишсиз келажак йўқ».
19.40 Эълонлар.
20.10 «Келинг, бир кудишайлик». «Учтентак ҳангомаси». Бадиий фильм «Коламбия пикчерс», АҚШ). 1-серия.
20.40 «Конот».
21.00 «Мусикий меҳмонхона».
21.40 Эълонлар.
21.45 «Уй остонадан бошланади».
22.15 Араб эстрадаси.
22.45 «АВН-спорт».
00.35—00.45 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусикий дастур.
9.05 «Ўзбектелефильм» курсатади: «Маржон эслаб». Фильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
10.30 «Халқ ижодиёти».
10.55 «Талабалар сахнасида».
11.45 «Кувноқ стартлар».
12.35 «Ой камалаги». Бадиий фильм.
13.55—14.25 Эстрада концерталари.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Галла-96». Фильм-клип.
18.05 «Совға».
18.25 «Одам».
18.35 «Янги авлод танлайди».
18.55 Дилнавоз садолар.
19.25 «Хайрат».
19.30 Эълонлар.
19.40 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Дилнавоз садолар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Бирлашган Араб Амирликлари — Кувайт терма командалари.
22.50 «Устоз санъаткор». Ўзбекистон халқ артисти Тўчи Орипов.

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

23.20 «Куй ва тасвир».
23.35 Имкон чуккилари.
23.35 «Азиз Маҳмуд йули». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «Кинохроника».
9.30 «Компьютер-Осиё».
10.00 «Мусикий ўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.30 «Кинокиссох».
13.20—14.20 «Спорт китъаси».

18.00 «Бугуннинг боласи».
18.30 «Хозиба».
18.40 Эълонлар.
18.45 «Жаноби Хилл ҳангомалари».
19.55 «Театр ҳақида ўйлар».
20.20 Эълонлар.
20.25 «Ахборот» (рус тилида).
20.50 Эълонлар.
20.55 «Хозиба».
21.00 «Олтин кент».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Ахборот».
21.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:

21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 Видео — «О».
21.45 «Ундаги ёғду ҳаммадан».
23.45—23.55 «Алмисоқдан қолган дўкон».

III

18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

Россия жамоат телевидениеси
18.25—21.35

21.35 «Матсалу кўрикхонаси». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси
22.00—00.10

00.10—00.20 «Зардўзлар». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 «Шанба эртаги».
10.20 Эълонлар.
10.30 «Комедиантлар».
10.45 «Спектакдан сўнг».
11.10 «Ажойиб Париж». «Ассалом, Франция!» дастурига илова.
11.40 Эълонлар.
11.45 «Инсон». Халқаро ногиронлар кунига.
12.15 «Инсэн».
12.45—14.05 Кинонинг олтин асри. «Уч эркак ва беланчакдаги чақалоқ». Бадиий фильм.

***

17.10—18.45 Тўртинч телевидениеси.

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Олам ва одам».
20.35 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.50 Бреш дақиқа ўзим учун».
20.40 Эълонлар.
20.45 Кинонинг олтин асри. Ален Делон «Зорро» фильмида. 1-серия.
21.45 «Раклар ҳаётида».
22.15 «Комедиантлар».
22.35 «Жиллет-спорт».
22.55 «Хит-коллекция».
23.25 «Ҳозирги жаҳон дунёси».
23.45 Эълонлар.
23.50—24.00 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 8

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Мен ненгн севаман Ўзбекистонни». Мусикий композиция.
11.30 «Согломжон — полвонжон».
12.00 «Дикт! Цирк! Цирк!»
12.30 «Бахтимиз комуси». Адабий курсатув.
12.50 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.20 М. Бобоев «Кунгил кучалари». Видеофильм. 19-кун.
14.00 Футбол. Осиё кубоги-96. Жанубий Корея — Индонезия терма командалари. 2-тайм.
14.45—15.45 «Нурли келажак». Ўсмирлар учун видеоканал.

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.40 «Тошкент давралари». Фильм-клип.
17.45 Болалар учун концерт.
17.55 «Озодлик». Видеофильм.
18.25 «Тегирмачи тури». Телесериал.
19.25 «Ватан ва бахт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
20.00 «Ёр муборак лаҳзалар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.05 Эълонлар.
21.10 «Буюк келажак сари.
21.25 Футбол. Осиё кубоги-96. Саудия Арабистони — Ирок терма командалари.
23.00 «Дикт. премьера: М. Бобоев «Кунгил кучалари». Видеофильм. 20-кун.
23.45 Эълонлар.
23.45 «Хафтанома».
00.15 Эълонлар.
00.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Таиланд — Эрон терма командалари.
01.10 Тунги тароналар.
01.20—01.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Бугунингг боласи».
9.30 «Хозиба».
9.35 «Жаноби Хилл ҳангомалари».
9.50 «Театр ҳақида ўйлар».
10.20 «Хозиба».
10.30 «Олтин кент».
10.50 «Бугунги ёхуд муҳаббат».
11.15 «Алмисоқдан қолган дукон».
11.25—13.00 Видео — «О».

18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига. «Уфқлар». 1-қисм. Мукаддима».
18.25 «Болаларинг тили...»
18.35 «Мульти-пульти».
18.50 «Тамаяно».
19.00 Эълонлар.
19.10 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига. «Уфқлар». 2-қисм. «Машаккатли иул оша...»
19.30 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
20.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига. «Мулоҳаза учун мавзу». А. Очиловнинг муаллифлик курсатуви.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига. «Уфқлар». 3-қисм. «Ижодат».
21.20 Видео янгиликлари.
21.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 Видео — «О».
24.00 Дастур ниҳояси.

III

18.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

Россия жамоат телевидениеси
18.15—23.00

23.00 Эълонлар.
23.05—23.30 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сехрли олами».
11.05 «Дилдаги армон».
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парле ву франсе?»
12.25 «Жонли саҳна».
12.45 «Афсона ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
13.25 Мусикий Олимп.
13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.25 Киносалон. «Тарофйботлар циркий». Бадиий фильм.
15.50 «Ишгирок этувчилар».
16.25 «Сенинг вақтинг».
16.55 «Дипкурьер».
17.10 «Телеташирриф».
17.20 «Эълонлар».
17.30 «Нуқтаи назар». Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига.
17.50 Мультэкран.

18.10—19.45 Тўртинч телевидениеси.

19.45 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
20.00 «Мультқарусель».
20.15 Эълонлар.
20.20 «Биргаликда куйлайлик».
21.05 «ТВ IV да етти кун» (рус тилида).
21.20 Кинопрофи. «Жаҳон кинематографияси янгиликлари».
21.50 Киносалон. «Франсис». Бадиий фильм (АҚШ).
24.00 «Хонадонингизда осойишталик булсин».
00.30 Эълонлар.
00.35—00.45 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).